

№ 47055- сонли ПУДРАТ ШАРТНОМА

2022 йил «10» октябрь

Яйпан шахри.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома биринчи томон ва иккинчи томон Низом асосида иш юритувчи «QURILISH ZAMINI QO'QON» МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Н.Ахмедов Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Ўзбекистон туман Тиббиёт бирлашмаси номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Х.Қурбонов ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома предмети:

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра қуйидаги турдаги таъмирлаш ишлари бажариб беради:

Шурсев ОШП биносини жорий таъмирлаш.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 495 601 719 сўмни ташкил қилади.

1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун муддатда яъни 30.10.2022-йилгача жорий таъмирлаш ишлари якунланиши шарт.

2. Ҳисоб-китоб шартлари:

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, сче́т-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган қурилиш монтаж ишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорда туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» қурилиш монтаж ишларини бажаргандан сўнг 30 кун ичида амалга оширади.

2.3. Қурилиш монтаж ишларини бажарилиши жарёнида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашёлар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашёлар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми ёки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган қурилиш монтаж ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи»ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган қурилиш монтаж ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

3.5 Агар ҳуқуқни химоя қилувчи органлар томонидан текширишларда амалга оширилган жорий таъмирлаш ишлари бўйича «Буюртмачи» га «Иш бажарувчи» томонидан қурилиш ишларини бажарилганлиги тўғрисидаги тақдим этилган хужжатлардаги нархларда ёки бажарилган иш ҳажмида камомад аниқланган тақдирда ушбу камомад «Иш бажарувчи» томонидан тўлиқ қопланади.

4. Жарималар қўланилиши:

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган қурилиш монтаж ишларининг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган қурилиш монтаж ишларини умумий қийматини 0.5% миқдорда ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш (хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % миқдорда «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озода этмайди.

5. Форс-мажор:

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, ёнғин, zilзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати:

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) Томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган қурилиш монтаж ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюртмачи харажатлар сметасига ёки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) Нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайтиши ёки қупайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар:

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли газначилик бўлини масида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб сўнг амалга оширилади.

Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»

«QURILISH ZAMINI QO'QON» МЧЖ

(Иш бажарувчи)

Манзил: Фуркат тумани Ардахшон к-ги

Тел./факс _____

х/р 20208000800938567001

СТИР 305838494

ОКОНХ _____

Банк номи: Қишлоқ қурилиш банк куқон

МФО: 00630

Рахбар: _____

(имзо)

«Буюртмачи»

Ўзбекистон туман Тиббиёт
бирлашмаси

(буюртмачи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Боғизрам МФЙ

Тел./факс _____

ш/х* 100022860302307072120054003

СТИР 200189162

ОКОНХ _____

Молия вазирлиги Газначилиги Ягона газна

ҳисоб вароғи 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рахбар: _____

(имзо)

Н.Ахмедов

Х.Қурбонов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

ON8853470858

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Joriv ta'mirlash**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: O'ZBEKISTON TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 06.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

O'zbekiston
tumani yuridik
markazi
yuriskonsulti:



B.M.TURG'UNOV

10.10.2022

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмасига 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш ишчи-гуруҳининг

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи: 31

10.10.2022

Ўзбекистон туман

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи: Х.Қурбонов

Раислик қилувчи :

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи: Х.Қурбонов

Аъзолари :

Иқтисодий ва умумий масалалар бўйича
бошлиқ ўринбосари: Ф.Мамадалиев

Даволаш ишлари бўйича

бошлиқ ўринбосари: И.Махкамов

Ташкилий услубий бўлим бошлиғи: С.Умаров

Бош иқтисодчи: А.Хатамов

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи: Х.Қурбонов

Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси Шурсув ОШП биносини жорий таъмирлаш учун 26.09.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида 2211001215 5258 лот орқали жами 499 236 610 сўмлик эълон жойлаштирилган.

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи: Х.Қурбонов

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш голибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада аке эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ голибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги голиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг муҳокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли “QURILISH ZAMINI QO’QON” МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи :

Аъзолари :

Х.Қурбонов
Ф.Мамадалиев
И.Махкамов
С.Умаров
А.Хатамов